

КЕЛИШИЛГАН”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ЎЗБЕКИСТОН  
ВЕЛОСПОРТ ФЕДЕРАЦИЯСИ  
РАИСИ ЎРИНБОСАРИ  
Е. ЧЕРНИКОВА

“ ” 2014 й.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
СПОРТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ

Ж. АКРАМОВ

“ ” 2014 й.



Спортнинг велоспорт-шоссе, велоспорт-трек  
турлари бўйича 2014 йилги Республика мусобақаларини ўтказиш тўғрисида

## НИЗОМ

### I. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мусобақалар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий фаоллигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш, «Соғлом бола йили» Давлат Дастури ижросини таъминлаш;

- дарсдан ташқари пайтларда болалар билан оммавий-спорт ва спорт соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштириш;
- ўсиб келаётган авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш;
- болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш, болалар ва ўсмирларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- спортни оммалаштириш ва спорт билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш;
- велоспортда оммавийликни ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари учун захира тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикаси велоспортчиларининг спорт маҳорати даражасини ошириш;
- халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларини шакллантириш мақсадида кучли велоспортчиларни аниқлаш;
- мамлакатнинг ҳудудий ва спорт ташкилотларида турли ёш гуруҳидаги велоспортчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш;
- вилоятларда велоспортни оммалаштириш, ўқувчи ёшларни оммавий тарзда жалб қилиш ва уни янада ривожлантириш;
- мураббийлар ва ҳакамлар ўртасида семинарлар ташкиллаштириш;
- ўтказиладиган мусобақалар натижаларини таҳлил қилиш мақсадида ўтказилади.

### II. МУСОБАҚАЛАРГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Умумий раҳбарлик, мусобақаларни ташкиллаштириш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Спортнинг кишки ва мураккаб техник турлари бўйича РОСММ ҳамда Ўзбекистон велоспорт федерацияси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Мусобақаларга бевосита раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон велоспорт Федерацияси томонидан тасдиқланган бош ҳакамлар ҳайъатига юклатилади.

Мусобақа ўтказиладиган жойларни тайёрлаш, жойлаштириш, афишаларни тайёрлаш, спортчиларни яшаш жойига жўнатиш мусобақа ўтказиладиган жойдаги вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармалари зиммасига юклатилади.

### III. ЎТКАЗИШ ВАҚТИ, ЖОЙИ ВА БОШҚА БЕЛГИЛАРИ ВЕЛОСПОРТ- ШОССЕ

№	Тадбир номи	Ўтказиш вақти	Ўтказиш жойи	Келиш ва кетиш вақти	Қатнашувчилар
1	“Фергана-Тур” Эркаклар ўртасида мусобақаси	февраль	Фарғона вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари, четдан келган жамоалар
2	Эркаклар ўртасида Қишки Республика мусобақаси	февраль	Тошкент вилояти Фарғона вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари, четдан келган жамоалар
3	Тошкент вилояти Ҳокими соврини учун Халқаро мусобақалари (кўпкунлик велопойга - эркаклар)	март	Тошкент вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари, яқин давлатлардан ташриф буюрган вакиллар
4	1998-99 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати (кўпкунлик велопойга)	март	Тошкент вилояти, Самарқанд вилояти Наманган вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари, яқин давлатлардан ташриф буюрган вакиллар
5	Эркаклар ўртасида кўпкунлик велопойгалари бўйича Ўзбекистон чемпионати	апрель	Тошкент вилояти. Наманган вилояти Фарғона вилояти Самарқанд вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари
6	1996-97 йилда туғилган ўспиринлар ва ўспирин кизлар, 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ва 2000-2001 йилларда туғилган кичик ёшдаги ўсмирлар ўртасида жамоавий, шахсий, гуруҳ пойгалари бўйича Ўзбекистон чемпионати	май	Тошкент вилояти Фарғона вилояти Наманган вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари
7	1996-1997 йилларда туғилган ўспиринлар ўртасида кўпкунлик велопойгалари бўйича Ўзбекистон чемпионати	июнь	Тошкент вилояти Наманган вилояти Фарғона вилояти Самарқанд вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари
8	Шахсий ва гуруҳ, жамоавий, критериум велопойгалари бўйича Ўзбекистон чемпионати (Элита, Андер, аёллар)	июнь	Тошкент вилояти, Фарғона вилояти Наманган вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари
9	Эркаклар ўртасида Республика мусобақалари	август	Тошкент вилояти,	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари
10	Эркаклар ўртасида кўпкунлик Республика велопойгаси.	октябрь	Тошкент вилояти Наманган вилояти Фарғона вилояти Самарқанд вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари
11	Эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон Кубоги (шахсий, жамоавий, гуруҳ ва критериум велопойгалари)	ноябрь	Тошкент вилояти Фарғона вилояти Хоразм вилояти	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари

#### IV. ВЕЛОСПОРТ-ТРЕК

№	Тадбир номи	Ўтказиш вақти	Ўтказиш жойи	Келиш ва кетиш вақти	Қатнашчилар
1	Эркаклар ва аёллар ўртасида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий” Боходир Муминов хотирасига бағишланган Республика кўпкунлик велопойгаси	март	Тошкент Наманган	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари, Козоғистон терма жамоаси
2	Эркаклар ва ўсмирлар ўртасида “Хизмат кўрсатган спортчи” Александр Юдин хотирасига бағишланган Республика кўпкунлик велопойгаси	март	Тошкент Наманган	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари, Козоғистон терма жамоаси
3	Эркаклар, аёллар ва 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ва кизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати	апрель	Тошкент Наманган	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари Козоғистон терма жамоаси
4	Ўспирин ва кизлар, ва 2000-2001 йилларда туғилган кичик ёшдаги ўсмирлар ўртасида Республика мусобақаси.	апрель	Тошкент Наманган	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари
5	Эркаклар, аёллар ва ўсмирлар ўртасида “Халқаро тоифадаги спорт устаси” Юрий Поминов хотирасига бағишланган Республика кўпкунлик велопойгаси	май	Тошкент Наманган	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари,
6	Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига бағишланган эркаклар, аёллар ўртасида Ўзбекистон Кубоги	сентябрь	Тошкент Наманган	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари,
7	Ўспирин ўғил ва кизлар ўртасида омниум бўйича Ўзбекистон чемпионати	сентябрь	Тошкент Наманган	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари,
8	Эркаклар ва аёллар ўртасида омниум бўйича Ўзбекистон чемпионати	октябрь	Тошкент Наманган	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари,
9	Эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон Кубоги	ноябрь	Тошкент Наманган	Мусобақани ўтказиш муддатига мувофиқ	Шаҳар ва вилоят терма жамоалари, спорт жамияти ва ташкилот вакиллари,

Эслатма: 1996-1997 йилларда туғилганлар – ўспирин ўғил ва кизлар; 1998-1999 йилларда туғилганлар – ўсмирлар ва кизлар; 2000-2001 йилларда туғилганлар – кичик ёшдаги ўсмирлар ва кизлар.

#### V. ЖАМОАВИЙ ВА ШАХСИЙ БИРИНЧИЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ ШАРТЛАРИ

Жамоавий ва шахсий чемпионатларда ўринлар Халқаро велосипедчилар Иттифоқи томонидан тасдиқланган “Мусобақалар қоидалари”га биноан аниқланади. Чемпионат мусобақаларидаги кўпкунлик велопойгада тўплаган очколар бўйича «Фаол пойгачи» ва «Тоғ пойгачиси» аниқланади.

#### VI. МУСОБАҚА ҚАТНАШЧИЛАРИ

Мусобақаларга тегишли тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон велоспорт федерациясининг рухсатномасига эга бўлган, спорт разряди спорт усталиги номзодидан кам бўлмаган эркак ва аёллар кўйилади.

## **VII. ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ**

Ҳар бир дастур бўйича мусобақа (трек, шоссе) ғолиби қимматбаҳо соврин, медал ва I даражали диплом, 2,3 ўринларни эгаллаган совриндорлар эса тегишли даражадаги дипломлар ва медаллар билан тақдирланади. Кўпкунлик велопойга (трек, шоссе) ғолиби мусобаканинг ҳар бир босқичи якуни бўйича, шунингдек, барча босқичлар йиғиндиси (суммаси) бўйича қимматбаҳо соврин, медал ва I даражали диплом билан тақдирланади. 2,3 ўринларни эгаллаган совриндорлар эса тегишли даражадаги дипломлар ва медаллар билан тақдирланади

Жамоавий велопойга бўйича 5 нафардан иборат ғолиб спортчилар қимматбаҳо совринлар, медал ва I даражали дипломлар билан тақдирланади. 2,3 ўринларни эгаллаган совриндорлар эса тегишли даражадаги дипломлар ва медаллар билан тақдирланади

Олимпия спринти бўйича 3 нафардан иборат ғолиб спортчилар қимматбаҳо совринлар ва I даражали дипломлар билан тақдирланади. 2,3 ўринларни эгаллаган совриндорлар эса тегишли даражадаги дипломлар ва медаллар билан тақдирланади.

## **VIII. ТАЛАБНОМА БЕРИШ ШАРТЛАРИ**

Дастлабки талабномалар мусобақалар бошланишидан 1 ой олдин Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига топширилиши шарт.

16 ёшга тўлган ўсмирлар ва ундан катта ёшдагилар фуқаролик паспорти (шахс гувоҳномаси)га, 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномага, суғурта васиқасига эга бўлишлари шарт. Шунингдек, Ўзбекистон велоспорт Федерациясининг мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)сига эга бўлган спортчилар ва мураббийларга ўтказилаётган мусобақаларда қатнашишга рухсат берилади. Мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)си мавжуд бўлмаган спортчилар ва мураббийлар мусобақаларга қўйилмайди.

## **IX. ҚАТНАШЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ ВА ШАРОИТЛАРИ**

Мусобақаларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, ҳакамлар ва хизмат қилувчи ходимлар (комендант, компьютерчи, алоқачи, ишчилар, шифокор)ни овқатлантириш, мусобақаларни ўтказиш жойи, ДАН, тез ёрдам ва ҳакамлар автомобиллари ижараси, канцтовар ва мусобақа ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Четдан келган ҳакамларнинг йўл ва жойлаштириш ҳақи, шунингдек, четдан келган мураббий ва спортчиларни жойлаштириш ва овқатлантириш, уларнинг йўл ва йўлда овқатланиш ҳақи, велосипедларни автомобилга ортиш ва олиб юриш ҳақи хизмат сафарига юборувчи ташкилот ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва ҳамда Ўзбекистон велоспорт Федерацияси мусобақаларни ўтказиш вақти, дастури, масофаларни ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Мусобақаларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт жамиятлари ва идоралар, РОЗК, МОЗБЎСМ жамоалари, терма жамоалар Низомга асосан қўйилади.

**Эслатма:** Қатнашчиларни қабул қилиш шартлари ва шароитлари бандига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қарорига биноан кўшимча ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Мусобақалар Ўзбекистон велоспорт Федерацияси ва ҳомийлар маблағлари ҳисобига ўтказилиши ҳам мумкин.

## **X. МУСОБАҚАЛАРГА ЯКУН ЯСАШ ВА ФЕДЕРАЦИЯ ТАВСИЯЛАРИ**

- мусобақа иштирокчилари ва жамоаларнинг натижалари, жисмоний ҳолати, шунингдек, жисмоний тайёргарлик мониторингини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон велоспорт федерациясининг ўтказилган мусобақалар якунлари бўйича тавсиялари, мураббийлар, ҳакамлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар, спорт-таълим муассасалари ва минтақалар фаолиятини баҳолаш;

Мусобақа якунлари тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Олимпия ва спорт заҳиралари бошқармасига мусобақалар тугагандан сўнг 3 кун муддат ичида тақдим этилади.

## **XI. НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШ ТАРТИБИ ВА УНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

1. Норозилик жамоа раҳбари ёки мураббий томонидан ёзма шаклда билдирилади.

2. Норозиликлар кейинги босқич бошланишидан олдин Бош ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади ва дарҳол эълон қилинади.

## ХII. МУСОБАҚАЛАРДА ҲАКАМЛИК

Ҳакамлар ҳайъти таркиби мусобақалар қондасига мувофиқ тузилади.

№	Лавозими	Ҳакамлар ва хизмат қилувчи шахслар сони	
		Велоспорт-шоссе	Велоспорт-трек
1	Бош ҳакам	1	1
2	Бош котиб	1	1
3	Бош ҳакам ўринбосари	1	1
4	Ҳакамлар	18	14
	<b>Жами:</b>	<b>21</b>	<b>17</b>
1	Трасса бошлиғи	1	
2	Комендант		1
3	Компьютерчи	1	1
4	Алоқачи		1
5	Шифокор	1	1
6	Ишчи		2
	<b>Жами:</b>	<b>3</b>	<b>6</b>
	<b>Ҳаммаси:</b>	<b>24</b>	<b>23</b>

Олимпия ва спорт заҳиралари  
Бошқармаси бошлиғи

  
К.БАЯЗИТОВ

РОСММ директори

  
М.АЛИМОВ

Бош мураббий

  
А.АБДУРАХИМОВ